



Хўжаликни оқилона юритайлик

Янги, 1988 йилдан тўла хўжалик ҳисобига ўтган ўнлаб корхоналар ичда на- доқлаш ва ускуналарни ўраш таъриба- конструкторлик бюроси ҳам бор. Маълумки, бу корхона маҳсулотлари фақат мам- лакатимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам маъхур ва манзур бўлмақда. Янги иқти- содий шартда коллектга ўз маҳсулотла- рига буюртмачилар билан узвий алоқа боғламоқда. Масалан, Германия Демократик Республикаси, Чехословакиянинг тармоқ мутахассислари билан алоқа яхши самара бермоқда.

Янги, 1988 йилдан тўла хўжалик ҳисобига ўтган ўнлаб корхоналар ичда на- доқлаш ва ускуналарни ўраш таъриба- конструкторлик бюроси борки, унга катта умид билан қараймиш. Бунага қўшимча қилиб шунга айтиш мум- кинки, қайси корхона маҳсулотларига ха- ридор қўлайди, у фақат биздагина эмас, чет эл харидорларига ҳам манзур бўлса, бу ўша корхонанинг жаҳон миқёсига ин- тилаётганини кўрсатади. Шу сабабли ҳам ГДРда ва бошқа мамлакатларда бу кор- хона маҳсулотларининг «бозори чаққон- лиги» хўжаликни янгилаш юритишнинг са- марасидир.

— Районимизда бу йил яна ўнга кор- хона тўла хўжалик ҳисоби асосида иш- лашга ўтди, — деб редакциямизга хабар

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 26 (6. 515) 1988 йил 2 февраль, сешанба Баҳоси 3 тийин

ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ ХАЛ ҚИЛУВЧИ ОМИЛИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленумидан

30 январь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми бўлиб ўтганлиги илгари ха- бар қилинган эди. Пленум қайта қуришга раҳбарлик юзасидан Ўзбекистон Ком- партияси Марказий Комитети Бюросининг ҳисоботини тинглади. Шу масала юзаси- дан Ўзбекистон Компартия- си Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов доклад қилди. Сўнгра ҳисобот муҳокама қилина бошлади.

сабабли хатоларга йўл қў- йилди. Бюро ишда муносиб даражада демократия ва ошкоралик бўлмади. Масал- ларни пленумда муҳокама қилиш юзаси ўтказилди, шу сабабли сўнгги пленумларда- ги докладлар ҳам турмуш- дан ажралиб қолган эди.

Бундан бунён докладлар, шунингдек, Бюро ва Секре- тариат учун материаллар тайёрлашга Марказий Коми- тет аъзоларини плани ра- вишида жалб қилишни так- лиф этган. Марказий Коми- тет Бюроси ўзининг йў- налтирувчилик, мувофиқ- лаштирувчилик, бирлашти- рувчилик таъсирини кучайти- риши лозим. Шундангина иш янги ўзаб бўйлаб жўшунг провард натижата қараб бо- ради. Умуман айтганда, Ўз- бекстонда соғлом қўллар дадил суръатлар билан ўсиб бормоқда. Энг муҳими — халқ қайта қуришнинг га- лабасига ишонди, партия- нинг демократияни чўчур- лаштириш, туб иқтисодий ислохотни жорий қилиш йў- лини астойдил қўллаб-қув- ватлайди.

Сайлаб қўйилган партия органларининг ҳисоботлари ҳаммани жўшунг ҳаракатта келтирди, деди ўз нутқида Қорақалпоғистон область пар- тия комитетининг биринчи секретари К. С. Салжов. Об- ласт комитетининг пленуми- да қайта қуришга раҳбарлик юзасидан обком бюроси ҳи- собот берган пайтда ўзаро талабчанлик муҳити ўзаро сурди. Жиддий намойиш ва нуқсонлар очиб ташланди. Соғломлаштирувчи танқид- нинг асосий қисми проварда- да шахсан менга тегишли эканини аниқладим, бу эса жиддий фикрлаш учун асос бўлди. Обкомнинг биринчи секретари, Марказий Коми- тет Бюросининг аъзоси сифа- тда мен танқиддан тегиш- ли хулосалар чиқариб ол- дим.

Фаргона область Вағдог районидagi «Пахтакор» кол- хозининг раиси А. Абдуса- матов ўз нутқини қишлоқ меҳнатчиларининг социал- маиший ва маданий шароит- ларини яхшилашнинг энг муҳим проблемаларига ба- гишлади. У қишлоқ посёл- ларининг бош планларини тузишга ҳамон киришмаган лойиҳа институтларининг коллективларини танқид қилди. Шунинг оқибатида майда қишлоқларни тугатиш асосида янги амаоонавий қи- шлоқларни барпо этиш иши- да дуруст силжишга эришил- мади.

Нотиқ пахта теримиға четдан ишчи кучи жалб этишдан иборат яроқсиз одат йил сайин давом этиб келаятганига эътиборни қа- ратди. Мавсум бошида бар- ца оммавий ахборот восита- лари одатда теримни ўз ку- чи билан удаллаётганин ил- гор хўжаликларининг тажри- басини тарғиб қилдилар. Аммо кейинчалик шоша-пи- ша илгари тузиб қўйилган графика қайта кўриб чи- қилди, шахарликларни, сту- дентларни, ўқувчиларни ҳо- сил теримиға жалб этиш тўғрисида қарорлар қа- бул қилинади. Марказий Комитет Бюроси ҳам бу ишда изчилик қилмапти. Бултур республика давлат агросаноат комитетининг раиси И. Х. Жўрабеков рай- онимизда келиб, бир ҳафта мобайнида меҳнатга лаёқат- ли буюти аҳолини пахта те- римиға сафарбар этишди, кундалик теримни беш про- центга етказишни талаб қил- ди. Аммо у район агросано- ат бирлашмасига амалий ёр- қидам беришни, дала ишлари- ни ташкил этишга онд кон- ларет тавсиялар беришни ўй- лаб кўрмади. Мана шундай маъмуриятчилик-буйруқ о э- лик услуби кўпгина партия комитетларида ҳали ҳам ту- гатилган эмас, улар ташки- ли-партиявий ишни яхши- лаш ўрниға ҳали ҳам хўжа- лик ишлари билан шугулла- ниб келмоқдалар.

Минбарга Кегайли район партия комитетининг бирин- чи секретари С. Ержонов чиқди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пле- нуми қайта қуришнинг ик- кинчи босқичдаги ташки- лотчилик, сийсий ишнинг йў- налишларини белгилаб бери- ши керак. Район партия ташкилотимиз ҳам анчагина ишларни бажариши лозим. Район партия комитетининг бюроси коллектив раҳбарлик принципларига амаж қилиб, ўз ишнинг форма ва метод- ларини таомиллаштирмоқ- да: кадрларни таллашда бир нечта номзодларни кўрсатиб, раҳбарлар сайлашда ошнор- алиқка амаж қилмоқда. 1985 йилдан ўрта бўгин раҳбар- ларининг сайлови ўтказила бошлади.

Область партия комитети ички партиявий ишни таомиллаштириш мақсадида бир йилдан кўпроқ вақтдан бу- ён эксперимент ўтказмоқда. Шаҳар ва район партия ко- митетларида иш унчалик юришмаётганини пайқаб, район, шаҳар партия коми- тетларининг ишни назорат қилувчи ва уларға ёрдам берувчи штатсиз инспекторлар жорий қилди. Район бўғинининг маъсул ходимларини эса конкрет партия ташки- лотлариға бириктириб қўй- ди, бошланғич партия таш- килотларидаги ҳар бир ком- мунистнинг дилиға қандай қилиб йўл топиш схемасини ишлаб чиқди. Чамаси, кел- гусида область партия коми- тетиди функционал бўлимлар ва секторларни қўлдириб, тармоқ бўлимларини эса иқ- тисодий ва социал вивожла- ниш бўлимиға бириштири- ш зарурати бор. Менинг фикримча, область партия комитетлари Марказий Коми- тет структурасидан нуسخа кўчирмасликлари керак, ҳа- то вазифаларни секретарлар ўртасида тақсимлашда ҳам табақалаштирилган ёнда- шувни қўлланиш лозим. Бу масалани область партия ко- митетларининг ўзлари ҳал этишдан бўлсинлар.

Биз Марказий Комитет Бюросининг бугунги ҳисоботиға етиб келгунча мураккаб йўлни босиб ўтдик. Ўтмиш олиншуда салбий ҳодисалар- га қарши, ўмишнинг сийқола ускуналарни, фикрдаги сийқо- ликка қарши, хабарсизлик ва бепарволикка қарши қат- тик курашниға тўғри келди. Афсуски, сийстемолар- га, қўшиб ёзишларга, давлатни адаллашга қарши курашнинг ўткирлиги Ўз- бекстоннинг барча реги- онларида ҳам баб-баравар принципалик билан бора- ётгани йўқ. Доклад тезисла- рини пленумда муҳокама қилиш чоғида Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми- тетининг аъзоси ўртоқ Қунназаров баъзи област- ларда эски тартибларнинг илдизлари ниқобланиб, ав- валигидек қарсақ садодари остида голибона дабдабалар тақдордана бошлаганини тўғ- ри уқтириб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Коми- тетиди Бюросининг камчили- ги ҳам шундан иборатки, салбий ҳодисаларға қарши кураш баъзи жойда зўр шид- дат билан, баъзи жойларда эса хўжақўрсинга ўтказил- моқда. Кўпроқ дадиллик ва принципалик керак. Аф- суски, юқори лавозимларға лигидан тайинланганлар ора- сида эски гуноҳлари очил- май қолган кишилар ҳам борлиги кейинчалик аниқ- ланмоқда. Менинг назаримда, авва- ло, коллектлилик намлиги

(Давоми 2, 3-бетларда).

ЗАМОНДОШИМИЗ



НОЗИК ҚЎЛЛАР СЕХРИ

Тасаввур қилинг: сиз бир қаниа минг, ҳатто миллион сумлик ҳужжатларни ҳисоблашингиз керак. Қоғозларда рақамлар, рақамлар... Энди кўз олдингизға келтириг: бир хонада ўн чоғлик киши — бухгалтерлар қизғин иш билан банд. Хона жинжит. Фақат чўт қоқилганда домаларнинг шиқирлашини бу жимликни бузади... Бу аҳволда ҳисоб-китоб қанчага чўзилади? У аниқми, йўқми? Уни яна қайта текшириб кўриш учун қанча вақт сарф қилиш керак?

Давримиз қанчалик шиддат билан олға интилса, ҳисоб- китоб ҳам шунга яраша тезликини, операцияларни бир зумда бажаришни, мураккаб рақамларни кўз очиб юм- гунча тилға киргизишни тақозо қилмоқда. Мана шу муҳим вазифани бажаришда электрон ҳи- соблаш машиналари инсонға биринчи ёрдамчи бўлиб қол- ди. Ирина Янгаличева ЭХМлар билан «тиллашувчи» опе- ратор — программачи. У Ўзбекистон ССР Маҳаллий сано- ат министрлигининг Чилонзорда жойлашган республика ҳисоблаш марказида ишлапти. Ирина Тошкентдаги 180- мактабни тугатган дугоналари каби қаерға ўқишға кираман, деб ўйлаиб юрмади. Чунки у ўқувчилик йилларидаёқ қатъий қарорга келиб қўйганди: инженер бўламан. Комсомол комитетининг аъзоси сифатида ҳам Ирина талай жамоат ишларини бажаради. Ҳалол меҳнати, инти- зомни туфайли коллектив хўрматига сазовор бўлди. Ҳисоблаш марказидаги улкан машиналар Ирнанинг қўлларига мунтаазир. У тайёрлаб берган топшириқларни бир зумда лентаға кўчириб беради. Авваллари ўнлаб, юзлаб ҳисобчилар бажарган иш учун минутлар ниқоға қилади. Ирнанинг кнопокларини босса бас, ЭХМ дарҳол ишға ташади. Ирнанинг келажакдаги орзулари катта. Ўз касбининг мутахассиси сифатида инсонлар огирини енгила қилиш. Шу ният йўлида Тошкент тўқимачилик ва енгила саноат институтининг III курсида таҳсил кўрапти. Илгари автомобиль ҳайдаб кетаётган, трактор рулиға ўтирган хотин-қизларни кўриб ажабланирдик. Бугун эса аёл — илгор ишчи, аёл — жамоат арбоби, аёл — инже- нер, мураккаб техникалар жилворки. Улар бажарётган ишларни кўриб нозик қўллар қўдратига таҳсин айтмай илж: йўқ, Ирина Янгаличева ҳам ана шу ўторак аёллар сафида.

СУРАТДА: Ирина Янгаличева. Т. Каримов фотоси.

ҲАМОН САФДА

Сталинград жангининг 45 йиллигига

Кеча уруш ва меҳнат ве- теранлари республика сове- тида ўзбекистонлик Ста- линград жанги қатнашчил- ларининг учрашуви бўлиб ўт- ди. Улуғ Ватан урушида туб бурлишни бошлаб берган бу жангда Ўзбекистондан икки бригада иштирок этган эди. — Ўша вақтда мен рес- публика Олий Совети Пре- зидиумининг секретари бў- либ ишлар эдим, — деб эс- лайди собиқ бригада сийсий бўлимининг бошлиғи А. Муродхўжаев. — Мени, партия ва совет органлари- да ишлаган бошқа ўртоқлар- ни Ўзбекистон КП(б) Мар- казий Комитетига чақириб, Қизил Армияға сийсий хо- димлар сифатида жўнатила- ётганлигини айттиди Орадан икки-уч кун ўтган менга баталон комиссари унвонини беришди ва 94- Фаргона ўқчи бригадаси ту- зиллаётган Фаргонаға жўна- тилиди. Бригада қарий етти ой давомида (асосан маҳал- лий миллат аҳолисидан) ту- зилди. Ишнинг бориши би- лан Усмон Юсуповнинг ўзи қизиб турди. У август ойида ёзувчи Алексей Толс- той билан биргаликда келди. Фронтта Тошкент орқали йўл олдик. Вокзалда бизни Йўлдош Охунбоев кутиб олди. У оғир операциядан сўнг оёққа турган эди. Ог- рикни енгиб барча вагонлар- ни айланиб чиқди. Ҳар би-

римлари уруш тугагандан бери бир-бирларини кўриш- маган эди. Тошкентдан бригада Мос- кваға йўл олди. Ўша ерда Ўзбекистонликларға байроқ, жанговар қурол-прог топ- шириди. Бригада жанга биринчи марта Донда кирди. Кубань, Ростов ва Вороши- ловград областларини, Крас- нодонни озод қилди. 94-бригада жангчилари ик- ки ойдан зиёд вақтни оқол- ларда ўтказишди. Душманни яқсон этиб, қарши хужум- ларни қайтариб туртишди, ў- злари ҳам талафот беришди. Талафотлар шу қадар катта эдики тез орада бригада тарқатиб юборилди. Тирик қолганлар Армиянинг бошқа қисм ва бўлиналарида душ- манға киргин келтиришда давом этишди. Сталинград остонасидаги афсонавий жанг бўлиб ўт- ганига 45 йил тўлди. Ғала- багача етиб борган кўпгина жангчилар ҳозир орамизда йўқ. Учрашууда уларни ҳам илиқ сўзлар билан эслашди. Аммо барҳайётлар эса ҳамон сафда, катта ҳарбий-ватан- парварлик ишларини олиб боришпти. Мақтабларда, саноат корхоналарида бўлиб, тез-тез ёшлар билан учра- шиб туришпти. Бу ишларнинг аҳамияти беийс. Айниқса, интерна- ционал ва ватанпарварлик тарбияси масалалари қўнда- ланг турган бугунги кунда

А. АЛЕКСАНДРОВ. *** СУРАТЛАРДА: учра- шувдан лавҳалар. Р. Шарипов фотолари.



Журналистларни таклиф этамиз

Ўзбекистон Журналистлар союзининг Тошкент ташки- лоти ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитети шу йил 3 февраль соат 17 да Жур- налистлар союзи Тошкент ташкилоти мажлислар залида (Ленинград кўчаси, 32-уй, 6-қават, 656-хона) «2000 йил- гача Тошкент шаҳрида уй-жой муаммосини ҳал этиш комплекс программасининг лойиҳаси ва уй-жойларни тақсимлашда социал адолат принципларига қатъий риоя қилиш тўғрисида» мавзуда матбуот конференциясини ўтказадилар.

КИРОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Киров район партия коми- тетининг пленуми бўлди. Унда район партия комите- ти бюросининг қайта қу- ришга раҳбарлик бўйича ҳисоботи муҳокама қилин- ди. Бу масала юзасидан рай- он партия комитетининг ик- кинчи секретари Ю. Б. Ка- заринов доклад қилди. Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ш. Н. Маҳму- дова КПСС Марказий Коми- тетиди апаратадги ишға ўт- ганлиги муносабати билан район партия комитетининг биринчи секретари ва бю- ро аъзоси вазифаларидан озод қилинди. Куйбисhev район ижроия комитети раиси ваифасида ишлаб келган М. М. Умаро- ва Киров район партия коми- тетининг биринчи секре- тари ва бюро аъзоси этиб сайланди.

Бокс бўйича СССР 54-чемпионати

Турнир якунланди

Ленинград, 54 килограммгача (вази), Михаил Казарян (Арма- вистон, 57 килограммгача вази), Орузбек Назаров (Кир- гизистон, 60 килограммгача вази), Вячеслав Яновский (Бе- лоруссия, 63,5 килограммгача вази), Владимир Ерещенко (РСФСР, 67 килограммгача вази), Евгений Зайцев (Қозо- қистон, 71 килограммгача вази), Руслан Терамов (РСФСР, 75 килограммгача вази), Дмитрий Елисеев (81 килограммгача вази), Виктор Ақшонов (91 ки- лограммгача вази) — иккалеси ҳам Украинадан, Александр Миросинченко (Қозоғистон, 91 килограммдан зиёд вази). Утган йилги чемпиналардан фақат Казарян, Назаров ва Яновский ўз усунларини сек- лаб қолишди. Республикаимиз чарм кўпоқ усталиридан фақат Х. Матчо- нов бронза совриндори бўлди.



ХЕЛЬСИНКИ. Кеча Фин- лияда навабдаги прези- дент сайловлари бошланди. Республиканинг энг юксак дав- лат лавозимига зб номзод кўрсатилган. Республиканинг ҳозирги президенти М. Койвисто, бош министр Х. Холкер, марказ партияси раиси П. Вя- юрюннен, Кески-Суоми губер- ниясининг губернатори К. Ки- висте ва Финляндия Комму- нистик партияси (Бирлик) Бош секретари И. Канноя шулар жумласидандир. Президент сайловлари дун- расида овоз бериш икки кун давом этади. Сайловларнинг дастлабки натижалари 2 фев- ралға ўтар кечаси маълум бў- лади. Исроилнинг Иордан дарё- сининг Габриел соҳилидаги ва Ғазо секторидаги сийсетаға қарши Рим марказида ўткази- лган норозилик юришида мингдан зиёд киши иштирок этди. Рейтер агентлигининг хабар қилишиға қараганда, намойиш қатнашчилари фалястинликлар- нинг босқинчиларға қарши ку- рашини қўллаб-қувватловчи ва Исроил маъмулларининг хара- катларини қораловчи шовбар- лар кўпгина актёрлар, ёзувчи- лар ва зиёлиларнинг бошқа ва- киллари иштирок этишган. Қўба врачлари Паркин- сон касаллиги билан оғриган беморни даволаш мақсадида муваффақиятли операция ўт- казган жаҳондаги учинчи мам- локат бўлди, деб хабар қил- диди Рейтер агентлиги. 48 ёш- га тўлган, 41 йилдан бери ҳа- ракат функцияларининг суса- йиб унинг чеklangишға, нутқ- нинг бузилишиға олиб келува- чини жиддий хасталиқдан азият чекаётган беморни операция қилиш қарийб уч соат да- вом этган. Жаҳон бўйлаб парвозни амалға оширган самолёт Аме- риканинг Сизлт шахриға қай- тиб келди, деб хабар қилди ЮПИ агентлиги. Бортида та- никли астронавт Н. Армстронг ва юздан зиёд бошқа киши- лар бўлган «Боинг-747» ҳаво кемаси коммерция самолети учун янги рекорд ўрнат- ди. У ёнигини тўлдириб олиш учун икки марта тўхтаб, енг агрофини 36 соат 54 ми- нутда айланб учган. Бу авва- лиги кўрсаткидан қарийб тўққиз соат тезроқдир. Икки ҳафта муқаддам Аргентинада подполковник А. Рико уюштирган кўзголон- да иштирок этган кирғи уч офицер қамқондан бўшатил- ган, деб хабар беради Рей- тер агентлиги. Аммо 290 офи- цер, шу жумладан Рико му- ваффақиятсиз тугатган тўнта- ринидаги уларнинг ролини тергов қилаётган ҳарбий суд қарорини кутиб қалюнда ётиб- ди.

